



КҮШИМЧА КҮРИК

Куршовда
юртимнинг кабристонлари,
кабрлар огзида тўхтаган пахта,
гўё шўрликларнинг арzon жонларин
куткариб колгандай милёнлаб лахад.
Шўрликлар
бир умр ёмгир, кор кечиб,
факат кабрлардан халоват топди.
Уялдим тунов кун кўйлагим ечиб,
пахта экитмаган баданим копти.
Мен хам гул одамман, биргад укалар,
пошшолар ухласин дейман хотиржам,
менгаям озгина беринг шу дарддан,
энди пахта экинг баданимга хам.
Факат баданимга ишлатманг кимё,
кимё кириб бўлган хону монимга,
бутифос, катаран,
кискаси, сонминг
захарли дорилар окар конимда.
Кўркмасдан экворинг,
тезрок борасиз
юкори белгилаб берган мўлжалга,
пахта очилганда хеч бир дорисиз
баргларин тўқвонар
эсли гўзалар.

ТУХМАТ

Кеча ўгри бўлди,

бугун вахшийдир,
энди бутун дунё билар бу хакда.
Кандай мүмин эди,
кандай яхшийди
анкайиб жимгина терганда пахта.
Кайта куриш ўзи чикди кайданам? —
юксак калъалардан боккан ўгрилар
улкан мамлакатнинг бутун айбини
содда ўзбекларга кўиди тўгрилаб.
Шунда буюк денгиз чайкалиб кетди,
майдонларни босди бир ювош зулмат.
Шоирлар уйгота олмаган элни
уйготиб юборди маломат, тухмат.
Кеча ўгри бўлди, бугун вахшийдир,
бўхтонга кўмилиб турар асабий.
Ўзин майдонларга сигдира олмас,
болалар конига ўтар газаби.
Яхшилик тугади, ёмонлик хам гоҳ,
бўлмаса озгина кўйсалар мактаб,
буғун хам сахардан каро шомгача
жимгина илжайиб терарди пахта.

УЙКУ

Халойик ишонди,
кўзёшдан ийди,
айбдор болтамас,
айбдор кунда.
Касосин олмоқдан ўзини тийди
жаллодлар никоби йиртилган кунда.
Кон кўлида сузар бедод салтанат,
барча тафсилотин, кани, ким ёдлар?
Бу содда халойик мунча алданар,
пихиллаб кулади энди жаллодлар.
Ўтар ошкоралик хаш-паш дегунча,
келажак кўрсатар ким кулар, йиглар,
милён айгокчилар далил тергунча
кайралиб турса, бас,
исфаҳон тиглар.
Кайдадир
булбуллар толикиб сайрап,
хавода учгандай милён малойик.

Бир четда жаллодлар тигларин кайрап,
уйкуни уради шүрлик халойик.

БАТТОЛ ОРЗУСИ

Халакит беради хамиша бу вакт,
бемалол ишлашга кўймас бизларни.
Канча чўлпонларни отувдик пак-пак,
зўрга яширгандик конли изларни...
Аммо вакт очворди...
биз гумдон килган
хозирча... ўттиқ-кирк милёнта мурда
садда — гўл халкларга жи-и-ндей тешилган
калла чанокларин кўрсатиб турар.
Хўш, мунча вахима... ахир сиёсат
вакти-вакти битан кон талаб килар,
ахир хурфиксик деган риёзат
хар кандай давлатни йикита билар.
Инсонпарварликдан кайтганимиз йўк,
халиям тоштарни кесар болтамиз.
Агар керак бўлса,
ўкларимиз кўп,
хаммани бир бошдан пак-пак отамиз.
Чўлпон-пўлпон дейсиз,
ишимиз катта,
тарихга сигмасдан турар ўжарлар,
жахолат босган тўрт асрни хатлаб
Бобурни оловдик энди мўлжалга.
Аммо сал кечикдик...
чала колди иш,
вакт хам мудраб колар — хали кўрамиз,
Навоий мулла бор, тагин Яссавий,
нарида Кошгариј, бор-ку Тўмарис...

ОРЗУГА АЙБ ЙЎК

Кеча давлат туздим,
унча каттамас,

турар метиндан-да каттик тамалда —
мұхтасар конунлар фактада хатдамас,
бутун афзалиги, әрки амалда.
Гүё ким атайлаб сувга босган бир
коптоқдай балқиди рангин савлати,
күрди юксалғанин бир фитна олгир
үзи бўғиб кўйган ўзбек давлатин.
Аммо гаразгўйлар тахмин килгандай
гуркираб ўсмади юртда вахшийлик,
тўкнашиб колганда кулди итлар хам,
шикор-катағонга чикмас даҳрийлик.
Ахир, ўзбеклар хам унчалик гўлмас,
балик бошдан деган гаплар тўхтади,
рахбарлар кўксини чанглаб ўлмас,
пинхона хусумат,
зарблар тўхтади.
Шоирлар нолимас,
соchlар окарған...
Нотиклар эсдалиқ айтар авлодга:
бир пайт, азизларим,
Маскўп оркали
бориб келар эдик кўшни афгонга.
Бундаги элатлар иззат-хурматда,
кўзлари чакчаймас яккатилликдан,
кўнгилга якинрок бўлди гурбатлар,
хеч кимса ўлмайди мустакилликдан.
Етар шунча таъриф,
нозик замонда
агар айтиб кўйсам таъриф адогин,
ёниб кетишингиз мумкин армондан,
армон — бу огар дард,
жудаям огир.

ФИТНАЧИ ХУСУСИДА

Бу юртда
хамиша фитнадан
улуглар йикилур юзтубан,
пешобин оқизиб битмаган
фитначи ўтажак устидан.

Азалдан адолат ёритган
энг олий хакикат йўлини,
элатлар конлари коришар
фитналар зулмидан бўлинниб.

Хаёлнинг гулини сўлдирган,
нуратган канчалаб давронни,
хар доим панадан ўлдирган
мугамбир шайтонлар шайтони.

Самовий торлари кесилган,
худога тенглайди ўзларин,
заифлар кетидан эзитган
усталдан ололмас кўзларин.

Разиллар нафасин хайдаган
рухларим, хурларим, кайдасиз?
Дишарнинг тубидан талангандар
аргувон дурларим, кайдасиз?

Кахратон сувини симирган
соддадил жўралар, кайдасиз?
Мардликнинг пойига сигингандар
дарёдил жўмардлар, кайдасиз?

Кайдасиз?
Ер билан бир бўлиб,
ётибсиз фитналар курбони,
фожиа сўнггида сир бўлиб,
фитначи тебратар дунёни.

Умримиз узилган ёгдудай
офтобга эргашиб кетади,
фитначи пиширган огулар

тириклик бошига етади.

Ёзилур бир куни тарихда
дахолар сийликлар олгани,
күмилган замонлар катида
фитналар очилмай колгани.

КҮКОН ШАМОЛИ ХАКИДА ЎТМИШДАН БИР РИВОЯТ

Эски ўзантардан келди гулдираб
улкан тўзонларнинг жинни хаммоли.
Ўйлаб юрган эдик сени ўлди деб,
халиям бормисан,
Кўкон шамоли.
Энди вакт айланар бошка халкада,
бошка бир халкада сузар халоват.
Ўйловдик сениям бир танг лахзада
тирбарон килди деб,
ювуксиз ётлар.
Улар хам одамми,
улар темирдан,
зулмат босконлари эзмиш гулларни.
Дилларда ниш урмиш эркин кемирган
ох, ўша кунлари,
ўша кунлари...
Тошмайдон ситкиниб кетди лахзада,
тўсатдан гуллаган нигохлар сўлди.
Карсиллаб урилган оний зарбадан
ўсмирлар конининг рангини кўрди.
Атрофга додларни сочган аzonдан
ларзага тушганда минг-минглаб даха
бу каттол осмон хам кулранг равокдан
бошларга сочворди машъум кахкаха.
Юртми бу,
ганимдан колган маломат
ё игво кутиси, билмай ўтарман.
Бедодлик даштида китиб каромат,
ўсмирлар нигохи каби сўларман.
Бу кайси салтанат
ялокларидан

магзава ятаган фитна итлари?!
Куртлаб, бижгиб ётар ярокларида
курбонлик истаган ажал хирслари.
Энди эрким учун роса етилдим,
эй, шамол, энг эркин кўлингни бергин!
Тухмат чаёнлари чаккан бетимга
конли рўмолларнинг учлари тегди.
Энди етим гуллар нафасларимас,
ажал тўкиб кетган кон хиди елар.
Энди иккимизнинг каъримиздан хам
ок рўмол ёпинган
бир йиги келар.

КУЛОГИМДА КОЛГАН ЙИГИ

Бир ёмон,
бир узун,
бир ўткир йиги,
хали эр кўрмаган кизлар йигиси.
Кўмилиб кетаркан тог ўкириги
тўсатдан саннаса
минг киз йигилиб.
Момолар йиглаган ерда йиглайсиз,
оналар йиглаган...
буям бир шараф.
Ёрма ўқ сингари тиним билмаган
бу баҳтга болалар бўлар мушарраф.
Кўшкалла калҳат бор хамон бошингда,
 занжирлар шодаси чирир бўйнингда.
Яйраб кулганмидинг,
асрий дошингдан
яралган илонлар ўйнар кўйнингда?!

Бир ёмон,
Бир узун,
бир ўткир йиги
водий шамолида келар изиллаб.
Бу ёз кечалари йилларнинг тиги
айланиб-айланиб юрар ичимда.
Кимга сигиндингиз?
Кимни кўрдингиз?
Неча катли омлар ўчдими ёддан?
Очилмай узилган гулдай сўлдингиз,

эрларни яширган ерни кучоклаб...
Хали бор,
анча бор,
хали кўнгиллар
хўрликни кусгувчи кунларгача бор.
Харом валатларни урчитган йиллар
жаврини йўқ килур
битта улкан дод.
Бир бмон,
бир узун,
бир улкан йиги,
кайси бир жаврнинг аччик тортиги.
Ох, мунча айланар,
мунча тўлганар
ичимда йилларнинг занглаған тиги.

ШОХРУХ МИРЗО СУХБАТИ

Ёлгонлар чекинди,
юксалди нафрат,
кеча шод кўзларни синдириди жола.
Дунёга келдиму кетарман каргаб,
сиёsat энг катта кимордир, болам!
Жобир мустабидлар иродаси-ла
не сирлар инграйди машъум кенглиқда.
Котиллар сўз айтди биродарликдан,
ишонган йўксуллар
колди тенглиқда.
Атрофга карама,
кўзга ёш тўлар,
тузилмай турибок бузилган олам.
Нечун Туронзамин чечакдай сўлар,
бу замин бормиди бизларда, болам?!

Эрк кани,
эр кани,
асил ер кани,
захарга корилган аччик тиллар бор,
тубан бир халкада тинмай айланган
ўзлиқдан бехабар канжик диллар бор.
Жавр шунча бўлур, сабр хам шунча,
томондан юксалар ёвуз бир нола.
Темир пардаларни вакт сургунча

бут одам колмати бу уйда, болам!
Вайрона... вайрона...
Факат вайрона...
бошлари кўргошин тўла лашкарлар...
ажал сиртмокларин судраб сайронга
кезмиш катор-катор каро жасадлар.
Бу тубан халкада борми бир маъни,
качон бу халқадан чикар бу одам?
Гоҳ сенга суюниб ўлай дейман-у,
жудаям бегунох,
ёлгизсан, болам!

КЕНГЛИК согинчи

Армоним улгайди...
кеча сўйлардим —
каниди бўлса деб бирорта мард дўст.
Бугун кон йигларман —
денгиз бўлсайди,
бўлсайди улугвор уммонларга йўл.
Армоним улугдир...
кўзёшим улкан,
ўлсам, жасадимга юртим тўлажак.
Сўнгги зурёдимни захарлар куллар,
сўнгги чечакларим айниб сўлажак.
Эй, беклар,
захар ич — ўзбегинг колиб,
ўзгага бўйсундинг,
ўлганинг шулдир.
Шунданми, бошида теридан колип,
саксовул сингари майишган будун.
Бир сахро...
самога тикилар банда...
эрюзли хотунлар...
хотун юзли эр.
Ўзликни ўстирай,
борми махзанда
хоинлар сийдиги сачрамаган ер.
Хой, одам, ким эдинг,
топган-тутганинг
бир бўлак ёмбимас,
кўркинчли безак?!

Шоирлар сигинган ўшал юрт кани?
Эрким деб тутарсан бир парча тезак.
Денгизга куйшлмас бирорта дарё,
кумлар камалида бижиган диёр.
Бу йўлнинг сўнгида бир улкан фарёд,
бир ўлим, баҳайбат битта ўлим бор.
Йигласанг йиглагин
битта денгиздай,
жондан тўйган бўлсанг,
уммон каби ўл,
чунки бир денгиз йўқ такир кенглиқда,
чунки йўқ улугвор уммонларга йўл.

ГУЛ йигиси

Качон гул хидловдим,
качон сувларда
ёгдулар раксини томоша килдим?
Насимлар мавжида елган хурлардан
кўзларим узолмай качон йикитдим?
Билмадим,
хаёлий дунёмидир бул,
жудолиг багримни тугатди тамом,
яна бу тубанлиг даштида мактул
жисмимни унутиб излайман пайгом.
Бу ерда вахшийлар йўл карап эди
тагин бир валламат конини истаб,
тунларнинг йиртилган кўлкаларида
валилар сўнгагин гажирди итлар.
Очик мозорларнинг киргокларида
тилтари иккига айритган куллар,
вактнинг саргайган чирмобларида
юраги ёрилиб ўлган булбуллар.
Сувлар хам ириган,
ириб ётар Шарқ
тунларни ёритган майхоналарда,
ёвуз кон гирватин каърига караб,
завжалар йигларди вайроналарда.
Осмон йирок эди,
ер эса каттиқ,
тобора олислаб борар куёш хам,
бунда гофилларнинг кисмати аччик,

бунда каттолларнинг бошлари тошдан.

Вой, куним,
махшарга тўкинган куним,
сўнгги кўзларимдан эриганда ёш,
Билолни чакирдим, эй, буюк кулим,
манов хоконларнинг кулокларин оч.
Аммохи Билол йўқ,
милён Жахл бор,
милён кўлларида консираган тош,
зулм зулматининг огушида хор
битта гул,
ёлгизгул йигларди, холос.
Ёвуз бир дарбадар бор эди тагин,
бор эди кўйнида интиком тиги,
бор эди ёгдулар синган бетайин
дунёдан юксалган
бир гўзал йиги.
Дунёга келдимми ёки кайтдимми,
кимсасиз даштларнинг каърида нечун
илк бора англадим ёлгиз дардингни
кечалар тубида йиглаган, эй гул.

ГАМГИН ШЕЪР

Умр хам ўтгандай...

гўё бир кунда
настарин гулидай очилиб сўлдик,
гўё бир нафаслик равшан куюнда
калби сўкирларга афсона бўлдик,
кушларни музлатган кора буюнда
соямиз кўшилиб девона бўлдик.

Мармари кўргонлар оёкларида
умрини ёндириган дарвозабонлар...
кутурган жаҳолат таёкларидан
силласи куриган дарёзабонлар...
дунёнинг кайроктош табокларида
кимларга йиглади пари саболар.

Отларнинг чириган калласи каби
мохият рафтори кўринган чоғлар,
ойларнинг увалиб тушган палласи,
юраклар гулини кўйдирган додлар,
кимларга аталган эди файласуф
коялар бошида корайган дорлар.

Игво чечаклари...
фитна боғлари...
салтанат пойидан оккан базмлар,
туҳматни шопирган кунлар новлари,
раккос либосини кийган назмлар,
вактнинг милёнта кар гўрковлари
эзилиб кимларга лахад каздилар.

Умр хам ўтгандай...
нахот бир кунда
настарин гулидай очилиб сўлдик?
Бир нафис гул кўрдик ёвуз жунунда,
орзулаб исмини армона кўйдик,
исми жисмига мос армона бўлди,
бу гулга тикилиб вайронга бўлдик.

Зулм мошинлари...
шайтон сорлари...
шахват гирдобида сузган садолар,
кўзлари тошлардай каттиқ ёрлари
жавхарин нишолда килган гадолар.
валилар ўқчиган буюк тонгларни
кай гўрга яшириб кўйди разолат?

Дунёни тебратган зиёбонлар хам
кафанга бурканиб фалакка ўрлар,
ўтлардан чинкириб биёбонларда
ваҳшийлар оғзидаи очилган гўрлар
хакорат сойлари кўшилган жойда
токай конимизни ичар конхўрлар?

Сахро эгалари — гам тепалари...
зулматда йиглаган чечаклар дарди,
мозийга йўл солган кун тевалари,
юракнинг туйгудан ёришган каъри,
вактнинг шафкатсиз неваралари
кайларга оборар бизларни айриб?

Умр хам ўтгандай...
офтоб сўлгандай...
кайгули харсанглар хаёлни эзар,
жаннатни согиниб ётган чўлларда
кашкирлар галаси консираб кезар.
Эй, гулим,
кўзларга ёшлар тўлганда
соямиз кўшилган дамларни эсланг!

ТАРИКАТ

Дунёга сигмадим,
сигмади дунё
гурбатдан торайган табиатимга,
коп-кора чечакдай сочилмиш хулё
жўмардлар кўмилган тарикатимга.
Майлига,
чечаклар коп-кора бўлсин,
йикитса шу йўлда йикитсин тақдир,
куртлаган истаклар шуъласи сўлсин,
худойим сийлаган хурлигим яхши.
Бичилган кулларнинг,
кулзодаларнинг
малак сиймоларин ўйнатган дунё,
яралган лахзадан хур одамларни
иблислар тилида сўйлатган дунё.
Чиройли эрмаклар махзанидир ул,
магизи кайгудан,
пўстлоги зардан,
саргарар очилмай туриб кизил гул,
тупроги жимгина кусган захардан.

Чайкалар жаҳолат оғочларида
неча минг Машрабу
Мансури Халлож...
хамон юксалади йўл бошларида
одамзот конига тўймаган жаллод.
Токай бу иблислик,
токай бу ёлгон,
токай тиг кўтарар кора гурухлар,
токай бижгиб ётар гариб аламон
ичига тириклай кўмилган рухлар.
Зулфикор рух керак, керак чин ёгду,
чин ишқ йўқинлари багримга тўлсин,
жисмимни тобласин факат чин оғрик,
чечаклар коп-кора бўлса-да бўлсин.
Багрикенг худойим
кечириб кўяр,
йикилсам етмай ул хакикатимга,
кўмилсам, кўмилай ўлими гўзал —
жўмардлар кўмитган тарикатимга.

ЭСКИ ШЕЪР

Буюк Турон кенгликларида
кўмилиб ётибди хадсиз хазина,
кўмилиб етибди йиллар каърида
хазинага туташ саноксиз зина...
Адашдим,
рухимда парокандалик
кўп сирли асрлар шабистонида,
кезгандай бўламан азиз битиклар,
донишманд элларнинг кабристонида.
Халклар инжуларни ўтмишларидан
зарралаб-зарралаб терган пайтида
биз ногоҳ шамолда очилиб колган
канча жавохирни кўмдик кайтадан.
Бу куллик белгиси ёки кўрликми
ё банди бўлдикми хирс, таъмаларга,
ўзгага тутдикми жавхар ўзликни,
кўрқдикми одамхўр махкамалардан?!
Ватаним дейман-у, багрим кон бўлар,
бу кандай ватанки,
хоки бирикмас,

буюк Турун кенгликларида
уруглар бир-бирин еди тириклай.
Бу кандай ватанки,
шохизиндалар
бир гарип элининг орини сотса,
шоирлар салтанат зиналарида
мансабу мартаба тиланиб ётса.
Эй, сиз, адашганлар...
Элнинг конида
нахотки самовий чечаклар сўлган!
Илож колмадими жанг майдонида
Оллоху акбар деб ўлишдан бўлак?
Эй, элим,
качондир бир гала бедил
кўксингдан дилингни сугурган махал
нега шол юзингни бурдинг тескари,
нега тирик колдинг ичмасдан захар?!
Буюк Турун кенгликларида
кўмилиб етибди хадсиз хазина,
кумилиб ётибди йиллар каърида
юксак бир оламга
туташган зина.
Хали кўп йўловчи бу манзилгоҳдан
айланиб-айланиб ўтар сагирдай.
Хали узок ётар,
узок ва узок
буюк хазиналар йиллар каърида.

КАЙФИЯТ МАНЗАРАСИ

Далв ойи.
Атрофда бир ховуч кор йўқ.
Девона оғочлар кезмиш туманда.
Кўнгилнинг холини сўрашга ёр йўқ,
Жўмард йўқ сўйлайнин десам Турундан
Наҳрлар сўйилган,
коннинг ранги йўқ,
ичимда бўридай увлар бир шамол,
киличдай чараклар ой нурида йўл,
кенгликда ухлайди улкан бир карол.
Оловдан сўйлайми,
сўйлайми майдан,

дарбадар набидай ўкийми оят.
Бу сохта булбуллар намунча сайрап,
намунча пўйроздан окар хакорат.
Карол жим ухлайди бу киш палласи,
бор-йўгин каламуш галаси ташир,
шамолда тебранган улкан калласин
талашиб-торткилаб кашкирлар гажир.
Валатлар
айниган дилларин қўриб,
ёпик дарчаларни муштлайди титраб.
Эй кўнгил,
пойингда бир тупрок бўлдим,
Кетмагил,
шу ерда баралла йигла.
Далв ойи.
Суронлар тўфонларидан
кашкирлар тиркираб кочган бир онда
ўлдим рўйжада хоб ўпконларидан
жонимни кийнаган ёвуз бир кондан.
Каргалар босди сўнг...
чилпарчин ёруг,
коришди талваса — нур билан рўё,
Турон кенгликлари соригдан сориг,
улкан бир ўлакса ётгандай гўё...

ТУРКИЙЛАР

Киличин ташлади беклар нихоят,
босилди тулпорлар,
тиглар сурони,
урхога ўрганган тилларда оят,
туркийлар таниди комил худони.
Киличлар занглади...
фалокат хушёр,
туркийлар кувватин берди ерларга.
Хийлагар дўстлардай якинлашди ёв
комиллик кидирган жасур эрларга.
Иловасин йигитлар,
бобир йигитлар,
саждага бош кўиди ёвга терс караб,
гулларни кемириб йиглади итлар,
буюк бошни кесди килич яраклаб.

Туркда баш колмади... колмади довлар.
хотин-халаж колди мотам күтариб,
«бизга тик карама» буюрди ёвлар,
ёвларга терс караб яшади бари.

Таланди самовий тулпор уюри,
таланди зарлари,
зебу забари,
терс караб ўлинг деб ёвлар буюрди,
ёвларга терс караб жон берди бари.
Лахадга кирдилар ўзларин каргаб,
колмади арабий,
туркий хатлари,
тугинги деди ёв тескари караб,
ёвларга терс караб тугилди бари.

Тугилди,
тугилди,
тугилди куллар,
киркида кирилган — имдодга мухтоҗ,
ёвларга терс караб итлардаё хурап,
бир-бирига душман,
бир-биридан кож.

Жўмардлар кирилган Туронзаминда
дўзахий тажриба палласин кўрдим:
эшшак суврати бор кай бир кавмда,
кай бирида тўнгиз калласин кўрдим.
Бу холдан буваклар бўғилиб ўлар,
кул Билол эзилиб йиглар фалакда...
Ўзларин ёндирап борликдан тўйган
Бадахшон лаълидай асл малаклар.
Мўминлар беш бора Аллохни эслар
саждага баш кўйиб жаллод тошига.
Ўтрилиб сал ортга карайин деса,
бошига урарлар,
факат бошига.

Борми эр йигитлар, борми эр кизлар,
борми гул багрингда жўмард нолалар,
борми бул туфрокда ўзлигин излаб,
осмону фалакка етган болалар.

Бор бўлса,
аларга еткариб кўйинг,
бир бошга бир ўлим демаган эрмас,
шахидлар ўлмайди,
бир караб тўйинг:

Ёвга терс караган мусулмон эмас!
Ёвга терс караган мусулмон эмас!
Ёвга терс караган мусулмон эмас!

Ёвга терс караган мусулмон эмас!
Ёвга терс караган мусулмон эмас!

ШАРХИ ХОЛ

Шухрати сочилди бодияларга...
зарбадан бештага бўлинди андух.
Йилларга ем бўлган обидаларда
тинимсиз айланар чиркираган рух.
Бузитди азоб-ла курилган диллар,
илинждан ўзга бир туйгу сигмади.
Насабин билмаган шўрлик етимлар
гафлатда ухлади,
кимлар йиглади
Фитналар домида пишган зулмдан
айвсиз босилди кўзголган ёдлар,
ўзликни топтаган маккор илмдан
кулгуга айланиб кетди фарёдлар.
Ким колди?
Иблиснинг макрига учеб,
кирпичок бўлгувчи аламон колди,
юз йиллик адоват захрини кусиб;
конига гарк бўлган галаён колди.
Ким колур?
Хаттоки сўнгги лахзада
кўзлари тўймаган жобирлар колур,
ўлим-ла ўйнашган назм авжида
юраги ёрилган шоирлар колур.
Туркистон —
тарихи харбистонларда,
тўклиб битдими буюк коматлар?
Рухи дод солмасди кабристонларда
каддини кўтарса агар номардлар.
Буюк рух чиркирар...
Мудхиш саройда
зинодан тўралган неча дахрий зот
урчитар малаклар тугитган жойда
ўзаги айниган янги маҳлукот...
Демак, бор,
бахайбат зулм бор хали,
хали бор одамни кувган овчилар,
шундан донишлари овсару далли,

үгрига айланган доно тожирлар,
шундан чумчукюрак пошшолари гунг,
факирлар кўнинкан бало, қахатга,
шундан водийларда ўсиб ётар мунг,
хаттоки булбуллар ўхшар калхатга.

Туркистон —
тўзондай тўзган жигарлар,
жигарлар йўлинда темир тикантар,
гадолик илмини ўргатар энди
аждод-авлоди-ла босиб шилганлар.
Бургулар чириган...
занглаған тиглар...
итлар томок ичар олтин тожидан,
мозийга тикилиб муганий йиглар,
шеър ёзиб ўлтирас лашкарбошилар.

ЁНАЁТГАНЛАР

Валламат гозийлар
кабрида турди,
эртакда адашган танти ботирлар.
Чинаккам эрлари колмаган юртда
ўзларин ёндирас бугун хотинлар.
Кайга борадилар
ваҳший аланга
багрида додларин кўтариб азот?
Таскин топардилар кеча даладан,
бугун излайдилар оловдан најот.
Гўёки магрибга гарк бўлиб куйн,
садолар инларга кайтар фурсатда
куёшдан узилиб колган бир кулоч
аланга чинкириб кочар зулматдан.
Фарёдлар гуркираб
ўсган бу замин
мунчалар дуч келди худо қахрига,
юз йиллаб кўз юммай ётган ганими
аланга эккандай зулмат каърига.
Бадаҳшон лаълимас,
гавхару дурмас,
оддий бир инсоний кадрини излаб,
чинаккам беклари кирилган юртда
гулхандай ёнади неча гул кизлар.

Бу исён — лахзалик,
дахшат соларок
бир зумда ўтар-да дўзахий огрик,
бирок бу гуллардан баҳти корарок —
бир умр ёнгувчи гуллар-да бордир.

Бу гуллар —
сўзлаган онидан бошлаб,
кўрмайин юлдузли осмон равогин,
канотдай кўлларда ерни тарошлаб,
ўт билан сувлардан ясар жавохир.
Фаришта кўллари корайиб куйган,
кир дурра чирмаган олма юзларин,
хар бири Шерали хофизни суйган,
кўзлари гуссали,
кичик жуссали,
кўксига армоннинг тумордай доги,
дейдилар гулилар юрти — Хиротда,
Зухросиз равзада турмаган Тохир,
Лайли ва мажнунлар факат китобда.

Воҳ, нечук тугалиш...
борми алардай
оловни тоҷларда кўтарган гуллар!
Жаҳондан узилиб колган далада
мунчалар милтираб ёнар бу куллар!
Машриқдан магрибга судралган гамлар...
манглайга ёзукни битаркан дажжол,
бу мудхиш масканда милён санамлар
бир умр изларми оловдан нажот!
Ё худо,
денгизлар бунча узокда!
Бунчалар олисдир кайсар дарёлар!
Жаҳондан узитиб кетган тупроқда
милтираб ёнгандай гарип маъволар...

БУЗИЛГАН ДЕВОРЛАР

Кадимда
мевалар етилган пайтда
савоб деб яшаган комил аждодим
мусофир чанкогин боссин деб атай
бузиб кўяр экан бοглар деворин.
Эрон даштларидан Хитойга кадар

девори бузилиб ётган бог эди,
бу бокка мусофири кирган дафъада
астойдил севинган элим бор эди.
Бор эди
бу элнинг худо безаган,
камолга туташган олтин чоглари,
каршишлар каргадай кўнган ерлардан
калтираб ахтардим ўшал боғларни.
Ахир, ер ютдими...
комил инсонлар
колдими саргайган афсоналарда?
Метин деворларда — чакиртиконлар,
кулфлар шодаси — дарвозаларда.
Бир кўлимни бердим, есин чаёнлар,
бошкасин узатдим каламушларга,
юрагим гулларин отдим аямай
кўзлари котирма падаркушларга.
Битта гул юзига юзимни босиб,
огринган чогимни тоглар кўрмасин.
Энди бу холимни мозийдан тошиб,
девори бузитган боғлар кўрмасин.
Гирватдай айланар зулм дунеси...
каъридан анкирди кора тер хиди,
гўёки бу кадим йўллар худосиз,
гўёки бутун бир элим берк эди.
Берк эди,
берк эди,
чексиз деворлар
ичида инграрди чексиз бир шўрлик,
тинимсиз муштладим дарвозаларни,
ошик кўлларимни конатиб бўлдим.
Ошик кўзларим хам....
ёвуз чакнаган,
кимнидир сўкаман, бандай гофил,
ахир ўз еримда дайдиб, чанкаган
шўрлик мусофири, мусофири,
улуг мусофири.

ХОМАШЁ ХУСУСИДА

Ортиқча сийлаган худо бу ерни,
одамдан азизрок пахта, пилласи,

асал-канд меваси, коракўл тери,
саҳролар каърида ётган тилласи.
Унутманг,
борлигин килганча миннат
софлик обкелдик деб вайсаган каслар
кўзларин ўйнатган факат зеб-зийнат,
арzon хомашёни ўйлаган дастлаб.
Бу ернинг бирорта дарвозаси йўк...
Аммоқи йўли кўп,
харидори кўп,
элининг дили оч, аммо кўзи тўқ,
энг мухим хислати—хомашёси кўп.

Кайдаки сусайса эътиқод, имон,
бузуклик авжига чикса кай жойда,
ул элнинг бошига кўнмасмиш хумо,
бўлмасмиш ул элнинг
фарки гадойдан.
Хакикат мендадир,
кудрат ўзгада,
фарогат ўзгада,
хакорат менда...
сойлардай тирилур минг бир кўчалар
Тошлардай чўнкайиб йигласам селдай.
Улуг дард чайкалган жисмим бор холос,
майдонларга борсам шиор кўтариб,
хар ёндан гуриллаб босади восвос
манкуртлар резинка тўкмок ўқталиб.
Жоним жуда арzon...
Жудаям арzon,
арзондир бул юртда тўкилган конлар,
сочилиб ётибди бамисли хазон
тупрокнинг багрида янги курбонлар.
Бу бошлар бош эмас,
бу кўзлар кўзмас,
кулларнинг бошидир,
кулларнинг кўзи.
Дунё золимники...
Мен энди сўзмас,
фарёд-ла сўйларман ўзимга ўзим:
хўш, кимман, нимаман,
улкан бир куртдай
ўрмалаб ўтарман замон тошидан,
бутун борлиги-ла хомашё юртда

мен хам одамзотнинг хомашёсиман.

БИР СУВРАТ ТААССУРОТИ

Халиям ўйнайди игво таёги,
тугамас маломат кисиргалари,
бошинг балчикдаю кўкда аёгинг,
мунчаям кўп экан ганжиналаринг.
Барига ганжина,
ганжина сабаб,
хамиша шундай деб ўтган улуглар,
манглайи шўрларнинг додини асраб,
бўгилиб гўлдирап соков кудуклар.
Ижозат бердилар,
кидир дедилар,
кун сайин ганжина талаб китлитар,
тилло олдилар-у, захар бердилар,
зигирдай айбингни шохга илдитар.
Музликни маскан кил,
дедим неча бор,
йигладинг шунда деб боболар кабри,
кўлингни кўтариб дединг худо-ё,
нихоят кўзидинг худолар каҳрин.
Карагин,
хешларинг орасида жанг,
элатинг тўс-тўсу ит-мушук бўлди,
боланг фаросатсиз,
хотининг гаранг,
кизларинг меҳнатдан эзилиб ўлди.
Чинданам худонинг каҳри келибди,
емишинг тўппаю ичмишинг захар,
узок пайт ишламай миянг эрибти,
итларинг йўталар,
эшакларинг кал.
Эрта-кеч ўйлайсан ганжина хакда,
метинни эритиб юборар сабринг,
кўзингда юксалар ўзингдай кайсар
тўқсонминг бобонгни нураган кабри.
Вой, одам,
вой, итнинг калта ойги,
кўзингда кайнайди ажиналаринг,
худодан сўрайман эс-хушим огиб,

тезрок тугасайди ганжиналаринг...

* * *

Ёмгиридан кейинги атиргул каби
кўзларни яшнатган бокира диёр,
дурру жавохирга тўлайди багри,
эрлари соддадил, ёвлари маккор.

Хали захар-заккум тотини битмай,
машриқдан магрибга кўчган сабода,
харис нигоҳларии назарга илмай,
хилолдай порларди кўм-кўк кабода.

Нахот бу ўша ер,
шуми хар лахза
минг битта туйгуни ўйнатган гўша,
бор тигин миллиард ниш билан чакар
бахайбат зангори чаёндай гўза.
Хамон эрлар содда,
ёвлар маккордир,
хамон диллар ўти кўкка ўрлайди,
азалдан бу ернинг хўжаси борми,
валламат эрлари кайси гўрдайди.
Тупроги эланган, тоги туйилган,
зарлари терилган заррама-зарра,
фарки йўқ чўяндан, тўким урилган
тинимсиз минилган кўтирип бир хардан.
Лаълмас, шўриш кўрдим шўр манглайида
гуланном, гулназар, гулрухсорларнинг,
золимнинг зулмини тугал англадим,
англадим кайгусин кўхна торларнинг.
Буюк тупрок ўлди,
ўлди жимгина,
энди бу маконда битмас тозагул,
энди заккум-захар багридан инграб,
факат юксалажак милён-милён кул.
Вой, инсон конига корилган замин,

тупрокка айланган жигарим, багрим.
Чўнкайиб ўтиридим, ёлгиз бўриман,
ишкимни гажиган бўридир каҳрим.
Ичимдан анкийди тупрокнинг хиди,
тупрок соя солмиш ранга рўйимга.
Тупрокранг кўзларим,
тупрокранг тилим,
тупрок хазинлига сингмиш ўйимга.
Тупрокка ўхшайсиз дегувчи кўпдир,
севинчдан сигмаймиз зард теримизга,
тупрокка ўхшаймиз...
хўш, нима бўпти,
ўхшасак ўхшабмиз ўз еримизга.

БОЗОРДАГИ АФГОНБОЛА СУВРАТИ

Газабдан юзлари корайиб кетган,
кадди эгилмаган...
эгилган бозор...
Гўёки бир сирнинг тагига етган,
битта у жафокаш,
бошкалар айбдор.
Кулфат оловида кайралган кўзи,
ўкрайр мусулмон тоглар йўксули.
Дунё бир томонда, бир ёнда ўзи,
одамнинг кулимас,
Оллохнинг кули.
Яшнаган нигоҳлар нурин сўндирад
кўзида ўн ийлдир жамланган газаб,
тутгандай катта бир игво ўлдирган
бир яrim милёнта афгонга аза.
Энди бор кулфатга сўрагандай кон,
минглаб нигоҳ аро совук ярактаб,
бу нигоҳ кўзингга тушгани захот,
бутун бор тигингни кетар чавактаб.
Эй, афгон,
маломат кўпдир бошимда,
юртингни босганлар,
отганлар бошка.
Бир халкнинг дилини ёкут тошидай
майдалаб-майдалаб сотганлар бошка.
Одамзот кайнаган бозорда афгон,

хўмрайиб турибсан мисли тирик дор,
худди бошлагудек бирорта гавго,
ичингда Гулбиддин Хикматёринг бор...
Балки бундаймасдир,
балки бу бола
афгон даштларининг тирик суврати,
таниш савдоларни хотирга соглан
бозорга тикитиб ўйлар суради.
Оний суврат бўлар...
хатто мен ўзим
кўпинча юрсам-да хоксору гариб,
гохида саломга узатган кўлим
порлар-ку Алининг киличи каби.

ЖЕЗ ОТЛИК

Хамон улуг келбат,
хамон боши тик,
хамон тогни бўлар киличин зарби,
кутурган бу ханги айгир-да тетик
дунёга ташланар кўзи оч харбий.
Икки юз йилдирки
улашиб шўриш,
маглублар бошида қахкаха отар,
хаттоки мангур эрк тимсоли бўлмиш
осмон хам кўнишиб колди бу зотга.
Озми бу денгизлар,
озми бу ерлар,
озми тожларини узатган юртлар,
ўз конин симириб чириган эрлар,
байланган хурлару таланган дурлар.
Туёклар янчмаган нималар колди,
айтарми кайтадан тиритган ёдлар,
Турондай саргаймиш от пешобидан
самовий хитоблар,
азиз китоблар.
Бас, телва сувори,
хаддингдан ошма,
кутурган айгирнинг жиловини торт,
икки юз йилдирки эллар бошида
туёгини кайрар бу даҳшатли от.
Адолат изладим сўнган йиллардан,

агар шундай бўлса зиёпарварлик,
кайдан униб чикди милён дилларда
хасаду хусумат,
хиёнат, гарлик.

Жез отлик ўзини уради хар ён —
машъум салтанатнинг соҳибқирони,
чайкалар бўгилган бир баҳри фарёд,
бўридай эргашар эл интикоми. ...
Саҳрода кўринар тагин Тўмарис,
тагин бир кўзгатар сабр тошини,
бу сафар мешгамас, кон денгизига
отар бу зобитнинг оғир бошини...

ЁМГИР

Бир ёмгир истарлар...
чексиз зулматдай
чексиз ёгадиган ёмгир истарлар.
Ялаб соб килмади буюк гурбатда
очилган конларни този итлар-да.
Бир ёмгир истарлар...
ювса гассол сув
такирдай ёрилиб ётган мозийни,
бузилган баҳрдай кўзголмаса рух,
кўтариб милёнлаб консиз гозийни.
Бир ёмгир истарлар...
келмас ул кайсар,
жимдир кўп синоат гувоҳи — осмон,
куёшдан отилган милярд найзалар
хали тегмасидан пориллайди кон.
Ёнар кон...
ёнар кон...
ёнар фактат кон...
Боткоқдай товланиб ёвуз чайкалар,
кўркинчли сувратин килур намоён
жаллод кароргоҳи бўлмиш салтанат.
Темир дарвозалар...
темир пардалар...
чўян кундатарни беркитган садлар,
хаёл дурбини хам етмас каърларда
конли тиллоларни ўйнар муртадлар.
Бўгилган ўрмонлар,

синган дарёлар
саслари шиддат-ла килганда меърож,
тагин-да кизарар унган фарёддан
сўзамол хукмдорнинг бошида ол тож..
Бир ёмгир истарлар...
гассол истарлар...
ювиб олмок учун кошш кўлларни,
калъалар гиштлари тагин бистарлар,
мармар зиналарда битган йўлларни.
Илтижо килди кўп саноксиз кассоб,
колмасин мозийнинг бу кизил доги.
Топди кўп синоат гувохи — осмон
кайси бир кунжидан озгина ёмгир.
Осмон тешилгандай... замин чайкалди,
бир неча кун ёғди ёккандай кўрга.
Дунёнинг ёмгир битта хайкалнинг
чанг босган юзини юванди зўрга...

ХИРГОЙ

Хаммамиз куёшда куйган жizzамиз,
качон тиз чўкувдик, хамон иззамиз,
сиркираб огрийди шишган тиззамиз,
ўриндан озгина турсак майлимуму?

Ўтганлар бари бек, колган жавдирар,
гардинда кўринмас гуллар шалдирап,
мехнатдан ёрилган кўллар калтирап,
ўз беким ерида юрсак майлимуму?

Насимлар гулламиш озод тогларда,
озодлик муждаси сўлу согларда,
боболар кийналиб тиккан бοгларда
аганаб бир хаёл сурсак майлимуму?

Нечада минг аллома, жўмардлар ўлган,

тасраккур сасиган,
рухлари сўлган,
уруглар айниган тап-такир чўлда
ўз беким давлатин курсак майлиму?

Юз эллик йилдирки мана шу холат,
хануз давом этар маккор тижорат,
билмадим, каердан ушбу жаҳолат,
нега сиз бўлмайсиз сира хижолат?
Нега мен сўрайман сиздан ижозат?!

КАЙСАР БУЛБУЛ

Зоглар орасида булбулни кўрдим,
беш-ўн кўтири загча бошин чўкиган,
юраги ёрилиб ўлсин деб шўрлик,
булбул хакида кўп игво тўкилган.

Эмишки,
хониши доим аразли,
йўкотиш керакмиш сохта булбулни,
сахар чоғларида вайсаб гаразли,
атай ухлатармиш неча кизгулни.
Бу хам етмагандай комил замонда
салтанат касрига пешоб тўкармиш,
тагин ул миллатчи эмиш ашаддий,
кайда сайраса эл исён кўтармиш.

Игволар ёзилур,
беш-ўн кўтири зог
янги арслоншохга тинмай хат ташир.
Шотирлар ишидан юрар кайфи чоғ
кора кўзойнакни таккан каттаси.

Арслоншох алмашар, вазир алмашар,
борликни кайтадан курмокда авом.
Зоглар кагиллашиб бирам яирашар,
тагин игвохатлар ёзилар равон.

Эмишки,
бу булбул айбин яширап,
хар нахор ўн каклик гўштини ермиш,
палон йил писмадон ковакда бирдан
саккизта айикни зўрлаган эмиш.
Тагин бир айби бор,
ўкирмиш намоз,
ислом байрогига килармиш сажда,
хар кандай жазони берсангиз хам оз,
хаммани кон килиб бўлди бу аждар.

Игволар ёзилур, беш-ўн кўтири зог
янги арслоншохга тинмай хат ташир.
Шотирлар ишидан юрар кайфи чог
кора кўзойнакни таккан каттаси.
Ажаб хангомалар бўлар кайтадан,
зогларнинг кўзида кайнар ажина.
Зоглар орасида сайрар атайлаб,
бу булбул ўзиям жуда гажир-да.
Хой булбул,
Ўзингга бир оз раҳм кил,
бўлмасми дамингни чикармай турсанг.
Ахир кайта куриш...
бўлмасми бир йил
зоглар орасида зог каби юрсанг...

ОММАНИНГ АХВОЛИ

Кандай давр ўтди,
хамма бахтиёр —
бошини урарди хайкал пойига,
байрам кунларида осарди шиор
хаттоки нураган халажойига.

Кун кўзин очмасдан очик пайкалда
баравар энкайиб турарди хамма,
хамду саноларни айтиб хайкалга,
бир хилда севиниб киларди нагма.
Ким нишон оларди,
хамма-чи — пишон,
шалдирок карсаклар оларди тагин,
тилидан окарди факат шараф-шон,
жилпиллаб сайрарди бир тўп андалиб
«Осмондаги юлдуз»ни айтарди кизлар
вайронна тунларда вайроналардай,
эрлар кайтар эди итларни сизлаб,
оталар чириган майхоналардан.

Давр ўзгардими?

Кўзголди омма,
хайкал обрўсиям бўлди бир пуллик,
кентлар кундасига хаттоки ёрма
ўклардан хайикмай бош кўяр куллик.

Бу дунё маккордир...

бир-икки сўздан
кариндош элатлар ит-мушук бўлар,
гул каби ўсмирлар ётар юзтубан,
ўн йилга етгулик мозорлар тўлар.
Уйи куйган омма тўяди эркдан,
тўйдирап гойибдан келган адоват,
мол-жони таланиб,
номаълум ердан
кидириб топмайди сира адолат.

Окибат, жимгина хайкал поигига
кайтару барини кайтадан бошлар,
камаяр номаълум аршдан ёғилган
тухмату игводан ясалган тошлар.

Хуллас, ушбу колар янги даврдан:
тагин тут тагида бувак биг-биглар,
хамманинг холига хар ёқдан караб,
эшаклар кулару
хўтиклар йиглар...

МАЙДОН ТАЪРИФИ

Хеч качон ишонма —
бу майдон маккор,

неча хил галаён тарихин кўрган,
адолат кидириб бosh урган хоксор
милёнлаб инсонни жўнатган гўрга.
Кандай маҳобатли!
текис сатхи хам
катл кундасидай корамтири порлар,
курбонлик соатин санаб хотиржам,
сехрли гирдобдай домига чорлар.
Чорлар,
жодуланган кўйи бир овсар
кудратдай йигилиб келар галаён,
майдонлар дунёга сафсата сотар,
урди деб бошини тошга аlamон...
Хеч качон ишонма —
майдонга борма
кўксингни ёрсаям дарду хасратинг!
Бу маккор майдонлар сергак хар доим,
салтанат касрини шундок асрайди.
Атвоитар — ажойиб,
хаммаси — ёлгон,
бу ерга инсонмас, келар жонивор,
майдонлар тошида корайиб колгон
милёнлаб алданган одам кони бор.
Майдонлар конхўру аlamон — анди,
илдизи майдонда — яшнаб турар тож.
Бу ерда ясанган огочлар банди,
гар банди бўлмаса ўсмасди огоч...

ГИРЯ

Бу осмон осмонми,
темир пардами,
бу ёгду синчлари тизитган dormi?
Мунчалар эгилди кора гардани...
жуонмарг бўлгурлар,
жўмардинг борми?!
Бу замон кимники,
макон кимники,
катрон-ла ёпилган йўллар кимники?!

Анордай сочилган конлар кимники,
бу конли билаклар, кўллар кимники?!

Вахшат кечасида диллар тўкилди,

юзминг багри вайрон бирдан ўкирди,
жасадга ёлгондан кафан тўкилди,
жуонмарг бўлгурлар,
жўмардинг борми?!

Мовийранг равокли зиндан аршидан
оятлар маржони узилиб кетди,
тагин кон сачраган туннинг авжида
чиркираб йиглади бир тўда етим.

Вактнинг шарпадай гунг гассоллари
сойларнинг йўлларин буриб юборди,
таркади тамугнинг шум дажжоллари,
жуонмарг бўлгурлар,
жўмардинг борми?!

Гафлатда кулганлар,
кўксин керганлар,
ёрларин зулматга кўйиб берганлар,
фаришта буваклар кулин терганлар
номус догин ювар майхоналарда.
Мол-дунё ишкида чандон ўлганлар,
ишратдан юзлари салкиб сўлганлар,
занглаған кишанга меҳр кўйғанлар,
димогин хушлайди райхоналардан.

Имоним деганлар,
миллат деганлар,
ёвга терс карамак иллат деганлар,
ўзликка хиёнат килма деганлар
зор какшаб йиглайди вайроналарда.

Йигласин —
сўнгаклар кисирлаган пайт —
дахшатдан саргайган ўт-ўланлардай,
жон куши байланган иссик лабларда
лахзани музлатган гўяндалардай.

Тўрт фасл коришиб ўтди ёргдан,
багримни чаёндай чакди андухим,
жўмардлар деганим кечган огриқдан
дарвешга айланди зулфикор рухим.

Неча бор муножот килдим худога,
нечун сен бунчалар ёлгиз яратдинг,
дилимга бахш этиб тошдай ирова,
кўзимни бахайбат дардга каратдинг.
Нечун ўзгаларнинг шандир хаёли —
настарин очилган,
сайрап кумрилар?!

Нечун етимларнинг ўткир фарёди
шажардай чайкалур тасавурумда?!

Тўрт фасл —
оситган кулфат аршига,
гўёки мудхиш бир манзилга келдим.
Куйган кечаларнинг калтис авжида
чиркираб йиглайди бир тўда етим.

СИНОВ МАЙДОНИ

Улугвор даранглар
даврон соати,
соатлар милларин унга тўгрилар.
Кизил шинаклардан чўчиб бокади
халокат шамолин сезган ўгрилар.
Бу шамол ёмондир, ииллар каърида
кўмилган милёнлаб мурдани очар,
сочар жиноятнинг милён сирларин,
лаънатлар ёгилар, каргишлар босар.
«Сиёsat килинmas тоза кўл билан,
курашда хар кандай усуллар яхши.
Тагин бир чидайди аввал ўқ билан,
кейинрок дўқ билан олинган машрик».

Шундок бошланувди кеча фалокат,
сиёсий фитналар гувохи — холик,
сассик бир жаладай босди маломат,
тагин бир чидади шўрлик халойик.
«Бухронга дуч келди иктисадиёт,
такчиллик кучайди,
кадри йўқ пулнинг,
маблагни тўплаган ички савдо бор,
сувнинг хлори кўп,
хиди йўқ гулнинг.
Калбаса йўколди,
колдик гафлатда,
гуриллаб ёнади кипчок даштлари,

бостириб келмоқда буюк давлатга
маргилон дўппилик Темур лашкари». ... Шўрлик халойикнинг ярми камалар,
кун сайин кўпирав ўзбеклар иши,
номусдан ярмиси ўлар камалда
бошга кон куйилиб,
жигари шишиб.
Фош бўлиб колганда кора жиноят,
кизил шинаклардан боккан ўгрилар,

тагин бир найрангни топиб нихоят
Ўзбеклар бошига кўяр тўгрилаб.
Сиёсат —
ўзингга келган зарбани
ўзгага бурвормок санъати бўлса,
кулдай халк бошига тушган галвани
кайси бир ёвига бурворсин, кўрсат!
Ёвлик ёвлик чорлар,
кахат — каҳатни,
хаттоки болалар давлатни сўкар,
ўзбеклар ўгрилар отган ахлатни
ошириб-тошириб марказга тўкар.
Начора... уйгониш...
гафлат гафлат-да,
зўр келса манглайга кифоя бир ўк.
Минг афсус, яшаймиз шундок давлатда
жиноятлар кўпу жиноятчи йўк.

КУТИЛМАГАН СИЙЛИКЛАР

Бегона ўлкага келгандай эдим,
севинган етимдай кўзим ёшланди.
Сираям ўзгариш бўлмайди дердим,
ёритди зулмнинг метин тошлари.
Зиндонлар очилди, сочилди сирлар,
темир пардалардан омоч куйилди,
тошларга айланиб колган ботирлар
наъраси кулокка келиб урилди.
Ёпирай,
хамманинг бор экан тити,

кечаги читтаклар бўлди қаҳрамон,
хамманинг ичига шайтонлик килиб,
кирганга ўхшайди маккор Аҳрамон.
Мулойим гул тутар зулм жинлари,
музлаган ичингдан кайнок ёш келар,
гўёки минг бошли аждар сингари
кон ичиб тўймаган хоконлик ўлар.
Тарихин сўйлайди бузилган ўлка,
дахшатдан тош котар зиёратчилар,
отилган,
чопилган,
бузилган бўлса,
каерга гум бўлди жиноятчилар?!
Чексиз хурмат билан
сўйлашдан олдин
ким гўштдор кўлини кўяр елканга,
гўёки отангни ўлдириган котил
бошкача никобда таскин бергандай.
Галати бир холат,
жўшар ёш конлар
бу янги дохийлар сўзлар айтганда,
гўёки молингни талаб кочганлар
бошкача никобда тагин кайтгандай.
Умидсиз шайтондан харгиз алхазар,
мардларга не учун бўлмай дарёдил,
одамий қадрим деб йигласам агар,

кўзимнинг ёшини артар жаллодим.
Конунлар кўпайган вайрона юртда,
конуний кунлардан юрагинг ўйнар,
истаган томонга тайёр бошпутлар,
истасанг Олмонга,
Парижга жўна.
Мендайин факирга шунча манзират
ва тагин исмимга қўшадилар бек.
Воҳ, шунча сийловдан буткул гангиган
факирни ўлдириб кўймаса бу эрк.
Чинданам, бундай эрк оғирмасми кўп
одамга эргашиб каттик алданган,
ўлимдан ўзга бир насибаси йўқ,
бир умр камокда ётган одамга...

Душманим кўпайди,
хатто, ўликлар
баҳорни согинган куттуг ойлари,
хилватда йигилиб юрди шўрликлар
чангала бўхтону игво лойлари.
Одамдай яшаса бўлар-ку яираб,
уларни кийнарди галати бир дард,
бирорта марди йўқ кўзингга караб,
юрагинг тагига тиг урувчи мард.
Бор айбим,
хакикий ёвни кўра бил,
адолат тобласин дедим бурдларни,
Шайбоний лашкари сингари бедил,
ўзимга ташланди миллат куртлари.
Булар обрўй излар,
манфаат излар,
игволар тўкиру кутар баракат,
йўкса бир шоирни тухматлар билан
огзини ёпишга мунча харакат,
неча бор ўзимга
газабингдан кеч,
пасткашлар арзимас дедим ўйлашга,
аслида, худодан хаким борми хеч
бирорта муносиб душман сўрашга.
Ахир кимман ўзим, мангуликка сал
агар киёсласак Шавкат Раҳмон ким?
Ким дея борликдан сўрайман хар гал,
макон жим,
замон жим, парвардигор жим.

МУНОЖОТ

Факат ишк...
Факат ишк...
Бошкаси сароб,
бошкаси шамолнинг оний сурони.

Киркта тар гулимни айладим хароб,
киркта кул кўзи-ла кўрдим дунёни.
Киркта кора кул ётар мозийда,
киркта черигини йўкотган бекман.
Абадий айрилдим киркта гозийдан,
бошимни тошларга урсамми дейман.
Бу дунё нимадир?
Барини кўрдим,
султону гадонинг каърини кўрдим,
Газзолий сигмаган тубан оламда
шайтондан тўралган гайирни кўрдим.
Факат ишк...
Ишк гули...
Самовий гулим...
бир нафас дилимга посибон бўлсин,
токим шул нафасда кирк биринчи кулнинг
ёруг лабларида хўрсиник сўлсин.
Тухмат мурдалари калашиб ёттан,
игволар куртлаган шўрлик диёрда
замону маконин буткул йўкотган
бир улуг фарёднинг
боласи зорман.
Ай, киличдай туйгу,
ай, котил туйгу,
бас, ортиқ кийнама кимсасиз даштда,
юзимга юзини кўйисин ўшал гул,
дилимнинг каърини чаваклаб ташла!

ИКРОР

Рубобий шеър ёзсан...
кайтсан бир нафас...
хамиша мусаффо чашмани кўрсан,
корайган чўккилар корига караб,
бир нафас хаёлчан ўсмирга дўнсан.
Воҳ, ўшал лахзалар...
ўтдими буткул
гунафша атири тансик туйгулар,
сахарги боғларни уйготган булбул,
ойларнинг нурларин элаган сувлар.
Яшил шажар эдим...
Кандок согиндим...

кўзимни яшнатса рубобий ранглар.
Кайси бир дунёга бунча оғриндим,
дилимни каритди бесамар жанглар.
Мен жангчи эмасдим, мен шоир эдим,
нихоят шоирдан кўра зобитман,
хар нафас мусулмон митлатим дедим,
нафсига куйганлар келди окибат.
Харомни хуш кўрган маслакфурушлар
зигирдай химматин килганда миннат,
япроқдай саргордим буюк урушда
мусулмон йўқ эди,
йўқ эди миллат.
Бас, кушлар сайроги,
япроклари мўл
яшил шажар каби турай мушаккал,
илхомим хакида сўиласинлар хўб,
захарли титимдан тўқитсин шаккар.
Рубобий саболар рухимдан эсинг,
кайтадан уйгонсин илохий тугён.
Воҳ, ятанг шохларим киличдай кескир,
бир япроқ колмаптири шивирлайтургон.

Шавкат Рахмон (Сайланмадан, 1997 йил, Тошкент)